TURK ELI

International Scientific Journal



Volume 1 | Issue 1 | 2026

Manas, Kyrgyz Republic

www.turkeli.science

TURK ELI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

The journal is officially registered as a mass media outlet by the Justice Department of Manas Region under the Ministry of Justice of the Kyrgyz Republic in accordance with Registration Certificate No. 10339 dated March 11, 2024. The journal is registered under the title “TURK ELI” International Scientific Journal and is authorized for publication in Kyrgyz, Turkish, Uzbek, Kazakh and English languages.

Honorary President
Sarvar Ispahi

Editor-in-Chief
Jenishbek Duysheev

Deputy Editor in-Chief
Rahmonali Hasanov

Editorial Board:

Ablat Khodjaev (Prof. Dr.)
Shakimashrip Ibraev (Prof. Dr.)
Shohistahon Uljaeva (Prof. Dr.)
Kubanychbek Kalchakeev (Prof. Dr.)
Abdimajid Madraimov (Prof. Dr.)
Shukhrat Sattorov (Prof. Dr.)
Ibrahim Kush (Dr.)
Faig Elekberli (Dr.)
Erdenebayar Nasanbat (Dr.)
Gulnara Anarbaeva (Dr.)
Nurgul Aldabek (Dr.)
Nurjamal Myrzabaeva (Dr.)
Takhirjan Kazakov (Dr.)
Elmira Hazratkulova (Dr.)
Azamat Kaliev (Dr.)
Abdulvakhidkhon Nuriddinov (Dr.)

Technical Editor
Laziz Baxtiyorov

Publisher: turkeli.science
E-mail: editor@turkeli.science

Contents

N.Erdenebayar **B.Jargalsaikhan**	Skiing Tradition of Altai Uriankhai	**4**
E.A.Avazov **Zh.A.Duisheev**	The Andijan Uprising of 1898: Main Issues of Discussion in the Historiography of the Colonial and Soviet Era	**7**
Sh.Kh.Sattarov	Service Diversification And Economic Efficiency	**13**
S.Dj.Saidova	Leadership Competence and Creativity in Managing Challenging Personnel in Higher Education Institutions	**16**
Kh.I.Mamadaliyev	Urban History of the Fergana Valley (1876–1924): A Case Study of Osh	**21**
A.B.Zuftarov	Development of The Service Sector in The Context of the Digital Transformation of Azerbaijan's Economy	**24**
I.K.Usarov **Sh.T.Karimova** **M.Y.Badalbayeva** **A.A.Beknazarov** **Sh.T.Uljayeva**	Enhancing Students' Lexical Competence Through Systematic Use of Authentic Texts: a Task-based and Corpus-supported Methodology	**29**
B.R.Karimov	Challenges in the Development of Turkic Civilization Languages: Perspectives on the Formation of a Common Turkic Language and a Unified Turkic Script System	**32**
N.Juraev	The Philosophy of the Soul and the Heart in Ibn Sina's Thought	**35**
N.Nazarov	Interethnic Relations and Societal Development in Central Asia	**42**
Kh.J.Barotova	The Representation of Nature in the Epic Farhod and Shirin	**46**
Sh.Kh.Buriev	Conservation of Museum Objects and the Preservation of Historical Memory: A Key Factor in Societal Development (The Case of Uzbekistan, 1991–2025)	**50**
K.M.Gulomova	Scientific and Pedagogical Foundations of Fostering Independent Thinking in Higher Education Students	**53**
D.S.Saparboeva	Organizing Didactic Games in Primary Education	**56**
İ.H.Cəbrayılov	Contemporary Approaches to History Education: Challenges of Learning and Teaching	**58**
O.Musaev	Peculiarities of National Policy Implementation in Multinational Countries	**62**
E.Sultanova **R.Hasanov**	The Organization of Turkic States: A Significant Political Actor on the Global Stage	**66**
O.Musaev **Z.Murodova**	The Historical Development of International Relations and the Processes of Their Transformation	**70**
R.Yarkulov	Mechanisms for Improving Students' Creative Engagement through Digital Technologies: A Case Study of the Logistics Education Program	**74**
R.Hasanov	The Person of Amir Temur and His Martyr Art and State Administration	**79**
R.Khalikova	Amir Temur's Personality and Political Activities as Reflected in Historical Sources	**81**

Interethnic Relations and Societal Development in Central Asia

Nasriddin Nazarov (Doctor of Philosophical Sciences, Professor)[1]
nasrid@mail.ru | ORCID: 0000-0002-4432-2277
[1.] Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi
Tashkent, Uzbekistan

Abstract.
This article peing attention the interconnection between interethnic relations and social progress and provides a comprehensive overview of the activities of national cultural centers as aaccelerant for ethno-social processes. It also describes civic unity in Cental Asia, inter-ethnic friendship and solidarity as the highest value, and also analyzes the activities of the national centers to ensure social progress in society and provides offers and recommendations.
Keywords: Central Asia, nation, interethnic relations, polyethnic society, social development, national-cultural centers, society, national associations, mass media

Марказий осиёда миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий тараққиёт

Nasriddin Nazarov (falsafa fanlari doktori, professor)[1]
nasrid@mail.ru | ORCID: 0000-0002-4432-2277
[1.] Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
Tashkent, Uzbekistan

Аннотация.
Ушбу мақолада миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий тараққиётнинг ўзаро алоқадорлиги, этноижтимоий жараёнларнинг позитив ривожини таъминловчи катализатор сифатида миллий маданий марказлар фаолияти тўғрисида атрофлича фикр юритилади. Шунингдек, Марказий Осиёда фуқаровий тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик буюк қадрият эканлиги,миллий бирлашмаларнинг жамиятда ижтимоий тараққиётни таъминлаш мақсадида ўтказаётган тадбирлари таҳлил этилиб, таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.
Калит сўзлар. Марказий Осиё, миллат, миллатлараро муносабатлар, полиэтник социум, ижтимоий тараққиёт, Миллий маданий марказлар, жамият, миллий бирликлар, оммавий ахборот воситалари

Кўп миллатли жамиятда миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий тараққиёт ўзаро диалектик боғлиқликда бўлган жараёнлар бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади. Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегиясида мамлакат Президенти томонидан илгари сурилган дастурий йўлланмада аниқ ифодаланган бўлиб, ўзликни англаш ва халқнинг маънавий уйғонишини рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликка асосланган миллий, ижтимоий-маданий сиёсатнинг амалий ривожини таъминлаш билан бир қаторда жамиятдаги миллатлараро мувозанатни сақлаб, этноижтимоий тараққиётни янги, сифатий босқичга кўтаришдан иборат. Мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегиясида таъкидлаганларидек: «Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг аҳамияти катта» [2].

Марказий Осиё полиэтник социумида миллатлараро муносабатлар минтақада ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ривожини таъминловчи асосий мавзулардан бири экан, табиийки, ушбу мавзу олим ва тадқиқотчиларнинг доимий диққат марказида бўлиб, жамиятда ушбу омилнинг ижтимоий-маданий негизлари билан бир қаторда сиёсий-ҳуқуқий асосларига эътибор қаратиб келинган. Ўзбекистон жамиятида барча ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривожининг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» деб қайд этилиши жамиятда миллий тотувликни, демакки, миллатлараро муносабатлар такомиллашувини таъминлаш кафолати сифатида муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатдаги миллий маданий марказлар фаолиятига эътибор қаратиб: «Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда… Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда», дейиши Марказий Осиёнинг инсон ва миллий ресурслар бўйича етакчи ўринда бўлган Ўзбекистон воқелигида давлат томонидан жамиятда миллатлараро муносабатлар такомиллашувига берилаётган эътибордан далолатдир.

Миллий тараққиёт ўзига хос йўсинда ривожланаётган бугунги шароитда миллий тотувликни таъминлаш жамият ривожида муҳим ўрин тутиб, турфа миллат ва элат вакилларидан иборат жамият аъзоларининг маънавий камолотида, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда зарурий аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов жамиятдаги ўзаро тотувлик ва маънавий жараёнларга баҳо бериб: “Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек

халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда"[4], деган эди. Ҳақиқатан ҳам, жамиятдаги маънавий тикланиш миллий тотувликнинг сифатий жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, миллий маданий марказлар ижтимоий тараққиётга таъсир этувчи асосий омил сифатида полиэтник жамиятнинг ривожида муҳим аҳамият касб этади. Кўп миллатли ҳудудда миллатлараро муносабатларни маданий марказларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлиб, бу ерда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаши боис, мустақиллик йилларида этномаданий ўзига хосликка асосланган турли жамият бирлашмалари таъсис этилиб, бугунги кунда улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мустақилликнинг илк қалдирғочлари сифатида ўз маданияти, тили, урф-одатлари, анъаналари ҳамда маънавий қадриятларини ривожлантириш ва тарғиб этишга йўналтирилган ушбу миллий жамият бирлашмалари дастлаб уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун миллатлараро маданий марказ атрофига бирлаштирилган эди. 1992 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Республика миллатлараро маданий маркази Республика байналмилал маданий марказга айлантирилиб, миллий жамият бирлашмалари миллий маданий марказлар сифатида масъулият доиралари кенгайтирилган ҳолда республикада дўстлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бора бошлади.

Бундай фаолият Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг ўз миллий маданият ҳамда тарихий қадриятларини тиклашга оид эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган Ўзбекистон этноижтимоий ва этномаданий бирлигининг ҳам умумий мақсад сари фуқаровий яхлитликни таъминлаш борасидаги эҳтиёжига мос. Бунда миллий маданий марказлар зиммасидаги функционал вазифа сифатида турфа миллат ва элатга мансуб бўлган жамият аъзолари тафаккурида ватанпарварлик, ўзбекларнинг миллий характерига хос бўлган бағрикенглик ва меҳмондўстлик хислатларини қадрлаш каби жиҳатларнинг барқарорлигини янада юксалтириш лозим. Чунки, бундай бағрикенгликни барча миллат ва элат вакиллари, демакки, жамият аъзолари тафаккурида мустаҳкам ўрин олишига эришиш, бир томондан, ҳар қандай миллий қадриятнинг кенг тарқалиб, унинг бирлаштирувчилик функциясини таъминлаб борса, иккинчи томондан, умумфуқаровий тараққиёт учун хизмат қилади. Таниқли олим, профессор Қ.Х.Хоназаровнинг фикрига кўра: «… ўз миллати ҳудудидан ташқарида яшовчи шахс икки вазифани бажаради: бир томондан, ўзи яшаётган давлатнинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорлик кўрсатади, иккинчи томондан, истиқомат қилувчи мамлакати билан ўз миллий давлати ўртасидаги алоқаларнинг ривожига хизмат қилади»[5]. Демак, миллий маданий марказлар фаолияти ҳамда масъулияти кенг бўлиб:

1. Фуқаролик мавқеида туриб, ватан ва халқ манфаатлари йўлида ўз кучи ва ғайратини аямайди;
2. Титул, яъни асосий миллат билан ўз миллати вакиллари орасида кўприк сифатида алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади;
3. Доимий яшаб, фаолият кўрсатаётган мамлакати билан тарихий ватани орасидаги позитив муносабатларга ҳисса қўшади. Зеро, миллатлараро муносабатлар такомиллашуви бевосита ушбу омиллар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Жамиятда миллий маданий марказларнинг ташкил этилиши миллатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда миллий-тарихий қадриятларимизнинг ривожи учун асосий омилдир. Жамиятдаги фуқаровий тотувликнинг асосида этник барқарорлик ётади. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик тараққиёт ва ривожланишнинг барча турларинегизини ташкил этувчи энг буюк қадрият сифатида алоҳида ўринга эга.

Миллий маданий марказлар муайян этносга мансуб аҳолини бирлаштирувчилик функцияси билан бир қаторда анъанавий халқ маданиятини тарғиб этиш хусусияти билан ҳам эътиборга лойиқ. Зеро, бундай маданиятнинг ижобий қирралари маданиятларни бойитиш билан бир қаторда, халқларни умумий мақсад сари жипслаштириш ҳамда миллий маданиятларнинг ижобий қирраларини умуммиллий маданиятга сингдира бориш хусусиятига ҳам эга.

Республика ОАВларида барча миллат вакилларига тушунарли бўлиши ҳамда турфа миллатга мансуб республика аҳолисининг халқаро коммуникацион тизимларга уйғунлашув жараёнларини таъминлаш учун дастурлар дунёнинг етакчи тилларида эфирга узатилиб, нашр этилмоқда. Шу билан бир қаторда, республикада истиқомат қилувчи баъзи миллатлар тилларида ҳам кўрсатувлар ташкил этилиб, даврий нашрлар чиқарилмоқда. Юқоридаги фикрларнинг далили сифатида Республика миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бошчилигида миллий маданий марказлар фаоллари иштирокида ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Ягона оилада» кўрсатувлари, қозоқ тилида «Дийдар», «Жетиген», тожик тилида «Меҳрангез», «Рангинкамон», уйғур тилида «Умид», украин тилида «В доброй хате», татар тилида «Бизнен мерас» каби кўрсатувлар миллатлараро муносабатлар такомиллашувини таъминлаш билан бир қаторда, Ўзбекистонда миллий сиёсатнинг позитив моҳиятидан далолат беради. Ўзбекистонда тожик тилида ҳар ҳафтада икки маротаба «Овози точик» газетасининг нашр этилиши, миллий телеканалларда ҳафтада бир марта 25 дақиқа давомида тожик тилида «Ҳафтранг» дастурининг эфирга узатилиши миллий муносабатлар такомиллашувидаги муваффақиятлар сирасидан. Республикада олий ва ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурлари 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилаётганлиги миллий тилларга давлат миқёсида эътибор берилаётганлигидан далолат. Шу билан бирга, қатор йиллардан буён «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида ўтказиб келинаётган бирлаштирувчилик тадбирлари ҳамда фестивалларнинг оммавий ахборот воситаларида тарғиб этилаётганлиги халқлар ўртасида дўстлик ва яхлитликни мустаҳкамлаш бўлса, иккинчи томондан, давлатнинг миллатлараро муносабатлар такомиллашувидаги ўрнини кўрсатмоқда. Жумладан, 2013 йилда бўлиб ўтган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» дўстлик фестивалида 120 миллат ва элат вакилларидан иборат 162 ижодий уюшманинг иштирок этганлиги миллий-этник характердаги тадбирларнинг умумфуқаровий бирликни таъминлашдаги аҳамиятини кўрсатди, кўп миллатли Ўзбекистон шароитида бу ўта

муҳим [6]. 2016 йилда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» доирасида Қорақалпоғистон ва ўн икки вилоятда фестиваль доирасида ўтказилган 250 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирда 40 мингдан ошиқ киши иштирок этди, бу тадбир ОАВ орқали кенг тарғиб этилиши МММларнинг функционал вазифалари доирасидаги фаолият сифатида эътиборли бўлса, иккинчи томондан, республикада миллатлараро муносабатлар такомиллашувида ҳам зарурий омил бўлди.

Республикада фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ва миллий маданий марказлар ҳам этник барқарорликни таъминлашда, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг оптимал ривожи учун шарт-шароит яратиш йўлида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда зарурий аҳамият касб этади. Этник ўзига хосликка асосланган миллий маданий марказлар мамлакатда миллатлараро тинч-тотувликни таъминлаш, барча миллат ва этник гуруҳ вакиллари фаолиятини республикада этно-миллий жараёнларнинг ижобий ривожига, демак, барча қатламларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилаётган миллий сиёсатга мувофиқлаштириб, уларнинг фуқаровий дунёқарашини шакллантириб, ривожлантириш йўлида муайян мавқега эга. Шу жиҳатдан ҳам миллий маданий марказлар фаолиятига кенг ўрин ажратилиб, уларнинг мавқеини этник гуруҳлар орасида ошириб, функционал фаолиятларига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистонда миллий маданий марказлар фаолиятини таҳлил этиш қуйидаги фикрларнинг устувор аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди:

1. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган миллий сиёсатдаги устувор йўналиш мамлакатда яшовчи барча миллат ва этник гуруҳ вакилларининг этноижтимоий тараққиёти, иқтисодий, маданий ҳамда маънавияти равнақи ва ҳар томонлама камол топиши учун тенг шарт-шароит ва имкониятларнинг яратилганлиги этник тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва этник гуруҳ вакиллари яшаб, уларнинг аксарияти ўз миллий-маданий уюшмаларига эга бўлиб, бу марказлар республикада умумфуқаровий менталитетнинг шаклланиб ривожланишида муҳим ишлар қилаётган эканлар, оммавий ахборот воситалари улар фаолиятини янада кенгроқ тарғиб этиш йўлида ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишлари лозим. Бундай ёндашув МММлар функционал вазифаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади, республикадага ижтимоий ва маданий тараққиёт бевосита ушбу омил билан боғлиқ.

3. Республикада Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча миллий маданий марказларнинг ўз миллий урф-одат, анъана ва этник хусусиятларини қайта тиклаб, тарғиб этишини таъминлаш билан бир қаторда, улар ўз функционал вазифалари доирасида фаолиятни ўзаро тинч-тотувлик, умуминсоний қадриятларга мансублик тамойиллари асосида мувофиқлаштириб, мамлакатда этноижтимоий вазиятнинг янада барқарор мазмун касб этишида асосий роль ўйнамоқда.

4. Миллий маданий марказлар мамлакат маданий ҳаётида етакчи мавқени эгаллашлари билан бир қаторда этноижтимоий ва этномаданий вазиятнинг ижобий ривожи ҳамда миллатлараро муносабатлар такомиллашувида зарур аҳамият касб этаётганлиги, мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишида МММларнинг ўрнини белгиловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

5. “Ўзбекистон – умумий уйимиз” доирасида фаолият олиб бораётган миллий маданий марказлар республикада ягона “ўзбекистонликлар” этноижтимоий ва маданий бирлигининг таъминланишида муҳим роль ўйнаб, фуқаролик жамияти институтлари шаклланишида ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлмоқда. Зеро, полиэтник бирликларда фуқаролик жамияти институтларининг мазмун-моҳияти инсоний ҳуқуқ ва имкониятлар устуворлиги таъминланган эл бирлиги ҳамда тотувлигининг сифатий кўринишидир.

6. Ҳар йили Мустақиллик байрами, 8-Март - Халқаро хотин-қизлар кунини, Наврўз байрамини, 9 – Май – Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш ҳар бир миллий маданий марказларнинг анъанасига айланган. Бундай анъаналар МММларнинг стратегик мақсад ва функционал вазифалари ечимини таъминлаб боради, чунки улар ўз фаолияти давомида ўзлари мансуб бўлган миллат ёки элат қадриятини тарғиб этиб, иноэтник гуруҳлар ишончи ва ҳурматини қозонишга муваффақ бўлса, иккинчи томондан, мамлакат аҳолисини консолидациялаштирув омили бўлган ушбу мамлакатдаги асосий миллат маданиятини эъзозлашдан иборат.

7. Миллий маданий марказларнинг маданий тадбирлари, жумладан:, рус маданий маркази томонидан А.С.Пушкин, М.Лермонтов, Л.Толстой, С.Есенин, М.Цветаева, А.Ахматова, ҳар йили 24 майда славян ёзуви асосчилари Кирилл ва Мефодий хотираларига бағишланиб ўтказиладиган тадбирлар, “Ўзбекистондаги украинлар” адабий-публицистик телефильмнинг яратилиши, Т.Шевченко, Гоголь ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирларнинг ўтказилиши, яҳудийлар маданий маркази томонидан яҳудий тарихи, фалсафаси ва маданиятига бағишланган қатор тадбирлар, татар миллий маркази томонидан Абдулла Тўқайнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар, немис маданий маркази қошида ташкил этилган театр жамоасининг чиқишлари миллий мустақиллик ўзбеклар билан бир қаторда республикада яшовчи барча миллат ва этник гуруҳ вакилларининг ўзлигини англаб, миллий маданиятларини тарғиб этиш йўлида кенг имкониятлар очганлигидан далолат [7].

8. 2010-2017 йиллар давомида республика байналмилал маданият маркази раҳбарлигида МММлар стратегик мақсад ва функционал вазифалари доирасида рус маданий марказининг Пасха, немисларнинг Остерн, корейсларнинг Чусок, татар ва бошқирдларнинг Сабантуй маданий-оммавий тадбирлари нишонланиб келинаётганлиги этнослар маданияти тарғиби билан бир қаторда дўстлик ва миллий тотувликни таъминлаш воситасида фуқаровий бирлик асослари мустаҳкамланаётганлиги эътиборлидир.

Турфа конфессионал гуруҳларга мансуб миллий гуруҳлар томонидан Рождество, Масленица, Пасха, Туби-Шват каби диний тадбир, байрам ва тантаналарнинг нишонланиши, Ўзбекистон заминида миллий маданий марказлар фаолияти ҳамда уларнинг умумий эзгуликка йўналтирилган диний қадриятлари тарғибига асосий эътибор қаратилаётганлиги Ўзбекистон жамиятининг умумфуқаровий яхлитликка асосланган диний бағрикенглиги исботидир.

2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Ёшларни бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, тарих, маданият, миллий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу миллатчилик ва экстремизм ақидаларига қарши мафкуравий иммунитетга эга, мустақиллик ғояларига содиқ, Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган маънавий баркамол авлодни шакллантириш имконини беради.

Хуллас, жамиятда миллатлараро муносабатлар такомиллашувини Ўзбекистон полиэтник социумидаги миллий бирликлар мисолида тадқиқ этиш, жамият ривожида этнослар фаолиятини ижтимоий тараққиётнинг талаб ва андозаларига мувофиқлаштириш, йўл-йўриқ ва усулларини кўрсатиш жамиятда ижтимоий барқарорликнинг кафолатига қўшилувчи ҳиссадир. Чунки, миллатлараро муносабатлар доимо динамик ўсишда бўлган жараён бўлгани учун ҳам ушбу муаммо жамият аъзоларидан доимий диққат эътиборни талаб этади. Жамиятда миллатлараро тотувлик ва этнослараро бирликни таъминлаш учун этно-ижтимоий ва маданий жараёнларнинг оптимал йўналишининг доимий фаолияти талаб этилади. Зеро, ҳар қандай жамият истиқболи бевосита этник гуруҳлар орасидаги ўзаро ижобий муносабатларга боғлиқ.

References

1. O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi – Toshkent: “O’zbekiston”, 2017. – B. 4-5.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б. 261-262.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи //”Халқсўзи”, 2017 йил2-январь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 79.
5. Ханазаров К. Единство многонационального народа Узбекистана– Тошкент, «Университет», 1996. – С. 22.
6. «Халқ сўзи» газетаси. 2013 йил 16 май.
7. Республика Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архиви.